

ИККИНЧИ НАЪТ

Анинг наврас ниhoли жахон гулшанин сарсабз килиб, кирк йилгача андин хаё ва адаб гуллари очилиб, андин сўнгра нубувват меваси бергани, доги шох ва баргин сидра шохидин ўткариб, икки олам ахлининг сояи рахматига киргани.

Эй кўрунуб гурра киби тифлзод,
Тифли рахинг чархи кадимий ниход.

Инсу малак жонию жононаси,
Икки жахон гавхари якдонаси.

Махд санга лавхаи фируза ранг,
Ким харакатдин анга бўлмаи даранг.

Сен киби бу гулшан аро тоза вард,
Умрида кўрмаи фалаки солхўрд.

Сурат аро тифл, вале акли кул,
Кавлунг аро гайри яли лам-якул.

Ахтаринг ул тунки тулуъ айлабон,
Чарх саломига рукуъ айлабон.

Куфр бийик тогига солиб шикаст,
Ерга бўлуб паст буту бутпараст.

Маккада дин ахлига мукнат бўлуб,
Уззи ила лотка узлат бўлуб.

Мухталиф ахвол ўлуб ахли курайш,
Баъзи ўлуб гамзада, баъзида айш.

Гар отадин йўк эса бахранг не тонг,
Одам ўгул бўлса, ким ўлгаи отанг?

Гавхари зотингга садафсиз не бийм,
Итти садаф, чикти чу дурри ятим.

Дурга шараф бор ўзининг зотидин,

Тонг йўк анга ор садаф отидин.

Гарчики минг дур чикорур бир садаф,
Бир дур ила минг садаф айлар шараф.

Кайси дур ул, дуржи вафо гавхари,
Кайси гухар, буржуи хаё ахтари.

Ахтаридин меҳрга фархундалик,
Бадру хилол айлаб анга бандалик.

Меҳр мутии амру мисоли била,
Шак бўлубон бадр хилоли била.

Гарчи тижоратка бўлуб моясанж,
Ким каро туфрокдин олдинда ганж,

Кўз тутуб эл нафъу басорат анга,
Уммат этиб суду тижорат анга,

Нокага маркаблигидин кўп сурур,
Уйлаки тушганда малак узра нур.

Деб лакабин ахли тажаммул Амин,
Андин ўлуб хамдами Рухул-амин.

Чунки шубонлик этиб ўз пешасин,
Жадй ватан айлаб асад бешасин.

Сут кўрунуб шаккарида хушгубор,
Гарчи хирад пири анга ширхор.

Заҳри жафо кўп эзилиб жомига,
Ширу шакар таъми бериб комига.

Неча ачиг йиглагудек иш етиб,
Лутфи шакарханда била дафъ этиб.

Шоми нифок ахли чу айлаб ситез,
Бошига анжумдек этиб сангрез.

Ул килибон субх киби нушханд,
Хайр дуоси била деб элга панд.

«Аззама кадрах» — бу не хулки азим,
«Каррама важхах» — бу не нафси карим.

«Ходиюно кавкабу икболихи,
Саллу алайхи ва ало олихи».

ИККИНЧИ НАЪТ

Унинг хаётининг ёш ниhoли жaxon гулшанини яшнатиб, ундан кирк йилгача хаё ва адаб гуллари очилиб, сўнгра у пайгамбарлик мевасини бергани, шунингдек, шохи ва барглари жаннат дарахти шохидан хам яхши ўсиб, бундан икки олам ахли унинг мархамати соясига киргани

Эй тугилишданок янги чиккан Ойдек кўринган Зот! Йўлингнинг болалик чоги кадимий осмон одатича эди. Инсонларнинг хам фаришталарнинг хам жони, жононаси! Икки дунёнинг яккаю ягона гавхари! Сенинг бешигинг фируза ранг тахтадан ишланган бўлиб, тўхтамай тебратиб туриларди.

Сен каби тоза бир япрогни бу Олам гулшанида кўпни кўрган бу фалак умрида кўрмаган эди.

Ташки кўринишдан бола, лекин аклли дахо, сўзлаганингда баходирликдан бошка нарса гапирилмасди.

Толеъ юлдузинг туккан кечаси эса Осмон ўзи унга сажда килган эди. Бу куфрнинг буюк тогига шикаст етказган бўлиб, шунда бутлар хам, бутпарастлар хам ерга тиз чўккан эдилар.

Шунда Маккада динимиз ахлининг куч-кувати ортиб, Уззо ва Лот бутлари узлатга чекинган. Курайш ахли зиддиятли бир ахволга тушиб, баъзилари кайгуга ботган бўлсалар, баъзилари айш-ишрат килдилар. Агар сен отадан бахраманд бўла олмай колган бўлсанг, бунинг таажжубланадиган ери ёк. Сен ўгил бола бўлсанг, сенга ким ота бўлиши мумкин? Асл гавхаринг садафсиз колса, бунинг кўркинчли ери йўк. Садаф тарк этилган бўлса хам ундан энг кимматбахо дур чикди-ку! Ўзининг аслида бу дур шарафга эга бўлган. У садафдан ор килса хам, бунинг ажабланадиган ери йўк. Гарчи бир садафдан мингта дур чикса хам, мингта дур битта дур билан фахрланади. У кандай дур? Бу вафо кутисининг гавхаридир. Гавхар — кайси гавхар? Бу хаё буржининг юлдузидир. Бундай юлдуздан Куёш хам ўзини бахтиёр хис этади. Унга тўлин Ой хам, янги Ой хам хизмат килишга тайёр. Куёш унинг амрига мутеъ бўлиб, ундан намуна олса, тўлин Ой хилолга айланишга тайёр.

У гарчи тижорат ишлари учун дастмояга эга бўлса-да, ганж олдидаги кора тупрок мисоли эди. У топган фойдага эл кўз тутиб, кўзлари кундан-кунга очилар, фойда ва тижоратда унга эргашар эдилар. У миниб кетаётган туя бундан хам хурсанд, гўёки фаришта устига нур ёгилаётгандай. Шундан келиб чикиб савдо ахли унга «Амин» лакабини бериб, шу сабабдан у Жабраилга хамдам бўлиб колди.

У чўпонликни ўз касби килиб олиб, эчкилар арслон яшайдиган тўкайларни ўзларига ватан этдилар. Унга акл пири эмукдош бўлиш билан бирга сутининг мазаси ширинликда ўта таъмли бўларди.

Лекин зулм захри унинг пиёласига кўп эзилган бўлса ҳам, бу унинг огзига сут ва шакар таъмини берар эди. Бир неча аччик-аччик йиглатадиган кийинчиликлар юз берган. Аммо буларнинг хаммасини у ширин муомала билан даф этган. Неча бор ўзаро ихтилоф тарафдорлари тунда уруш-жанжал килиб, унинг бошига юлдузлар микдори кадар тошларни ёгдирдилар. Лекин у эрта тонгдек табассум килиб, яхши дуолар билан одамларга панд-насихат килар эди.

«Аллох унинг кадрилини кўтарди» — бу кандай улуг ахлоқ ифодаси.

«Унинг юзи мунавар» — бу нақадар ўзликнинг олижаноблиги!

«Унинг икбол бахти бизга йўл бошловчи!»

«Унга ва унинг уй аъзоларига салавот айтинг!»